

**«O'ZAVTOSANOAT»**  
aksiyadorlik kompaniyasining

**USTAVI**

2015 йил

## **1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Акциядорлик жамияти шаклидаги “О’ZAVTOSANOAT” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда «Компания» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 23 августдаги 405-сон қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Компания «Ўзавтосаноат» уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

## **2-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ**

2.1. Компаниянинг фирма номи:

2.1.1. Давлат тилида:

- тўлиқ фирма номи – «O’ZAVTOSANOAT» aksiyadorlik kompaniyasi;
- қисқартирилган фирма номи – «O’ZAVTOSANOAT» АК.

2.1.2. Рус тилида:

- тўлиқ фирма номи - акционерная компания «УЗАВТОСАНОАТ»;
- қисқартирилган фирма номи – АК «УЗАВТОСАНОАТ».

2.1.3. Инглиз тилида:

- тўлиқ фирма номи – «UZAVTOSANOAT» joint stock company;
- қисқартирилган фирма номи – «UZAVTOSANOAT» JSC.

2.2. Компаниянинг почта манзили ва жойлашган жойи:

Ўзбекистон Республикаси, индекс: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 30-уй.

2.3. Компаниянинг электрон почта манзиллари:

- [info@uzavtosanoat.uz](mailto:info@uzavtosanoat.uz)
- [uzavtosanoat@exat.uz](mailto:uzavtosanoat@exat.uz)

## **3-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

3.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Компания белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

3.4. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлади.

Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

#### **4-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ МАҚСАДИ, ФАОЛИЯТ СОҲАСИ ВА МУДДАТЛАРИ**

4.1. Компания фаолият мақсади қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасида автомобилсозликни ривожлантириш;
- Компаниянинг маҳсулот ва хизматларига бўлган жамият талабларини қондириш;

- Компания таркибига кирадиган корхоналарнинг (кейинги ўринларда «Компания корхоналари») ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, уларни ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга методик ва консултив ёрдам кўрсатиш, умумий манфаатларини давлат ва бошқа органларда ҳамда халқаро ташкилотларда ҳимоя қилиш орқали амалга ошириш;

- Компания модернизация йўллари биргаликда излаш, техник қайта қуриш, ишлаб чиқариш кооперациясидан фойдаланган ҳолда кенгайтириш, рационал ихтисослаштириш, илмий-техник ғоялар ва ишлаб чиқаришлар билан алмашиш бўйича имкониятларидан фойдаланиш, Компания корхоналари ўртасида ўзаро фойдали хўжалик муносабатларини ўрнатиш,

- ўзининг фаолиятдан даромад олиш.

4.2. Компания ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда автомобилсозликни барқарор ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, тармоқда ягона илмий-техник ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, рақобатбардошли маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришида кўмаклашиш;

- тармоқ корхоналарини замонавийлаштиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, етакчи хорижий фирмалар билан биргаликда автомобиль транспортининг замонавий турларини, улар учун бутловчи буюмлар ва деталларни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

- автомобиль тармоғи корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш;

- тармоқ учун малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашни, менежментнинг замонавий методларини эгаллаган, бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- Компанияга тегишли бўлган акция ва улушлар асосида Компания корхоналари бошқарувида иштирок этиш;

- Компания корхоналарининг қонуний манфаатларини Республика ва маҳаллий бошқарув органларида ҳимоя қилиш;

- Компания корхоналарига тайёр маҳсулотларни ўтказишда, хом-ашё, материал ва бутловчи қисмлар етказиб беришда ва Компания корхоналарининг манфаатларига асосан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- автомобилсозлик тармоғи фаолиятини эффективлигини оширишни ўрганиш бўйича тармоқ статистика маълумотларини тўплаш;

- Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан меҳнатни муҳофаза этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

- Компания корхоналари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёқилғи-энергетика ресурслари ва ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва тежаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ҳамкорликдаги лойиҳаларни ташкил этиш бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлашда, хўжаликлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича шартнома ва келишувлар тузишда илмий-техникавий, консультатив ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

- савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик масалаларини ўрганиш, Компания корхоналарига ушбу масалалар юзасидан ёрдам кўрсатиш;

- прогрессив ташкилий тажриба ва янги технологияларни киритиш ва бериш, маркетинг ва реклама бўйича консультацион, бошқарув ва инжиниринг хизматлари кўрсатиш;

- Компания корхоналари фаолияти масалалари бўйича халқаро конференциялар, симпозиумлар, семиналар, кўргазмалар ташкил этиш ва қатнашиш, делегациялар ва мутахассислар айирбошлаш;

- Компания корхоналари қурилиши ва кенгайтирилиши учун ер участкалари ажратиб бериш масалаларида техник ва ташкилий ёрдам кўрсатиш;

- қурилиш буюртмачиси функцияларини бажариш;

- кредитлар ажратилиши учун кафилликлар бериш, Компания корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатиш;

- хайрия фаолияти;

- кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш;

- кўргазмалар, ярмаркалар ва аукционлар ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш;

- дилерлик фаолиятини амалга ошириш;

- корхона ва ташкилотлар мутахассис ва менежерларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, жумладан чет эл кадрлар тайёрлаш марказларида ҳам;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолиятлар.

4.3. Компания автомобилсозлик ва бошқа тармоқларнинг турли корхона ва ташкилотлари билан шартномалар асосида ҳамкорликни амалга оширади.

4.4. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳамма фаолият турларини кўрсатади. Махсус рухсатнома талаб қиладиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг тегишли рухсатномалари асосида амалга оширилади.

4.5. Компания фаолият муддати чекланмаган.

## **5-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ УСТАВ ФОНДИ ВА МОЛ-МУЛКИ**

5.1. Компаниянинг устав фонди акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

5.2. Компания оддий акциялар қаторида бир неча хил турдаги имтиёзли акциялар ҳам жойлаштириш ҳуқуқига эга. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Компания устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

5.3. Устав фонди миқдори 558 800 745 808 дона оддий акцияга тақсимланган 558 800 745 808 (беш юз эллик саккиз миллиард саккиз юз миллион етти юз қирқ беш минг саккиз юз саккиз) сўмни ташкил этади.

Акциялар пакетининг 100% Давлатга тегишли бўлиб 558 800 745 808 (беш юз эллик саккиз миллиард саккиз юз миллион етти юз қирқ беш минг саккиз юз саккиз) сўм ёки 558 800 745 808 дона оддий акциядан иборат. Хар бир акциянинг номинал қиймати 1 сўмни ташкил этади.

5.4. Компания мол-мулки Компания акциялари эвазига тўланган йиғимлар, ўз хўжалик фаолиятини юритиш мобайнида ишлаб чиқарган маҳсулотлар, олинган даромадлар хисобидан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда қўлга киритилган мол-мулклардан ташкил топган.

Компания мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишлидир.

## **6-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ**

6.1. Компаниянинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Компаниянинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ёки эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Ягона акциядор ёки Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

6.3. Компаниянинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.4. Компания устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Компания Устав фондининг Компания уставига тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатдан ўтказиш санасида аниқланадиган акциядорлик жамиятининг устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганга энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

6.5. Устав фондини камайтириш ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

## **7-МОДДА. ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ**

7.1. Компания Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақли.

7.2. Компания ҳар бирининг номинал қиймати 1 сўмга тенг бўлган, умумий қиймати 558 800 745 808 (беш юз эллик саккиз миллиард саккиз юз миллион етти юз қирқ беш минг саккиз юз саккиз) сўм бўлган 558 800 745 808 дона оддий акциялар чиқаради ва жойлаштиради.

7.3. Компания жойлаштирилган акцияларга қўшимча сифатида ҳар бирининг номинал қиймати 1 сўмга тенг бўлган, умумий қиймати 216 830 000 000 сўмлик 216 830 000 000 дона эълон қилинган акциялар жойлаштириш ҳуқуқига эга.

7.4. Акциядорлар акциялар учун тўловни қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширишлари мумкин:

- пул ва бошқа тўлов воситалари;
- турли хилдаги мол-мулк;
- пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар).

7.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.6. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Компаниянинг акциялар ва акцияларга айирбошланадиган бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **8-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

8.1. Компанияда Устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорида захира фонди тузилади. Компаниянинг захира фонди ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

8.2. Ҳар йиллик ажратмалар миқдори Захира фонди Компания устав фондининг 15 фоизига етгунига қадар Компания соф фойдасининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорида, Захира фонди Компания устав

фондининг 15 фоизига етганидан кейин эса – Компания соф фойдасининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

8.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Компания активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

8.5. Компания бошқа фондларини ташкил этиш мумкин.

## **9-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Компаниянинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ягона акциядор;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

9.2. Компаниянинг Ягона акциядори - Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Давлат активларини бошқариш Маркази” давлат унитар корхонаси.

## **10-МОДДА. ЯГОНА АКЦИЯДОР**

10.1. Ягона акциядор Компанияни бошқаришнинг олий органидир. Ушбу Устав ва қонунчилик билан Ягона акциядорнинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

10.2. Ягона акциядор ҳар йили йиллик қарорларни қабул қилади. Ягона акциядорнинг йиллик қарорлардан ташқари қабул қиладиган қарорлари навбатдан ташқари қарорлар ҳисобланади.

10.3. Йиллик қарори молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Йиллик қарорида қуйидаги масалалари кўриб чиқилади:

- Компаниянинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги;



- бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботи;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалалар қараб чиқилади.

10.4. Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бериладиган материаллар (ахборотлар) «O'zavtosanoat» АКнинг Ягона акциядор тўғрисидаги» Низомида белгилаб қўйилади.

10.5. Ягона акциядорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Компания уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Компанияни қайта ташкил этиш;

в) Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Компания кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Компаниянинг устав фондини камайтириш ва кўпайтириш ;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш ва ижроия органинига бадал ва тўловларнинг миқдори белгилаб қўйиш;

и) Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) Компаниянинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш;

м) Компаниянинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

н) Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.

о) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қонунчиликда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

п) Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби регламентини тасдиқлаш;

у) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

ф) агар Компания кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса битим бўйича қарор қабул қилиш;

х) битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ Компаниянинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

ц) Компания кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

ч) Компаниянинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

ш) қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Ягона акциядорнинг ваколатларига киритилган масалалар Компаниянинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **11-МОДДА. КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

11.1. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ушбу Устав ва қонунчилик билан Ягона акциядор ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Ягона акциядор қарорига биноан Компания кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда бадал тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай бадал ва тўловларнинг миқдори Ягона акциядор қарори билан белгилаб қўйилади.

11.3. Компания кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) ушбу Устав 10.5-банди (а) кичик бандида назарда тутилган масалаларни ҳал этишни Ягона акциядор қарор қабул қилишига киритиш;

в) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

г) кейинчалик Ягона акциядор томонидан тасдиқлатиш билан, Компаниянинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

д) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

е) Компаниянинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

ж) Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

з) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

и) Компаниянинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

к) Компаниянинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

л) Компаниянинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

м) Битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш санасига Компания активларининг баланс қийматининг 15 фоизидан 50 фоизигача бўлган мол-мулкни олиш ва тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш;

н) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда аффилланган шахслари билан битимлар тузиш;

о) тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

п) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётгани тўғрисида ижроия органининг ҳар чоракли ҳисоботини эшитиш;

р) Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

с) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

т) Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

у) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

х) ушбу Устав ва қонунчиликга мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

11.4. Ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас. Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.5. Компания кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.6. Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

11.7. Компания кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгаши раисининг ўринбосари бажариб туради.

11.8. Компания кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг) ва Бошқаруви аъзосининг, талабига кўра чақирилади. Компания кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби Компаниянинг уставда ҳамда Ягона акциядор томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомида белгилаб қўйилади.

11.9. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгаши аъзоларининг етмиш беш фоизини ташкил этади. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ягона акциядор қарори билан белгиланган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, Компания кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Компания Ягона акциядорга таклиф киритиш шарт.. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари ушбу таклиф Ягона акциядорга киритиш, шунингдек ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.10. Ушбу Устав 11.3. - банди (м), (н), (р) ва (ф) кичик бандларида назарда кўрсатилган масалалар бўйича қарор Компания кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади, Компания кузатув кенгашининг мажлисида қолган қарорлар, агар ушбу Уставда ва қонунчиликда назарда тутилмаган бўлса мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

11.11. Компания кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

11.12. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда кузатув кенгаши раисига ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи тегишлидир.

11.13. Компания кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

## **12-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

12.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Бошқарув - Бошқарув раиси ва унинг уч ўринбосарларидан иборат. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари Ягона акциядор томонидан сайланади ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12.2. Ягона акциядор томонидан тайинланадиган Бошқарув таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини Ягона акциядор йиллик қарори қабул қилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

12.3. Бошқарувнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Ягона акциядорнинг ваколатларига ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

- мол-мулкни қарзга бериш, кафилик билан таъминлаш, молиявий (ҳомийлик/хайрия) ёрдам кўрсатиш, гаровга қўйиш, кўчмас мулкни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш, Компания Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши ваколатига тегишли битимлар бундан мустасно;

12.4. Бошқарув раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ягона акциядор ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

- Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этиш;

- бошқа шахсларга ишончномаларни бериш;

- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайш;
- Компания номидан битимларни тузиш, Компания Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви ваколатига тегишли битимлар бундан мустасно.
- махфий маълумотлар руйхатини ва уни олиш тартибини аниқлаш;
- Ягона акциядор ва Кузатув кенгашига келгуси йилга бизнес-режани, Компания молия-хўжалик фаолияти балансини, чоракли ва йиллик ҳисоботларни, фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш бўйича таклифларни тақдим этишни таъминлаш;
- штатларни тасдиқлаш;
- Компания ходимлари билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиниш, меҳнат ҳақи шакл ва миқдорини, моддий ва бошқа рағбатлантиришининг турларини белгилаш;
- Компания фаолиятининг молиявий, инвестицион, ишлаб чиқариш дастурларини амалга оширишни ташкил қилиш;
- банкларда ҳисобларни очиш;
- Компания фаолияти таъминлаб бериш мақсадида бошқа вазифаларини бажариш.

12.5. Компаниянинг Бошқаруви ўз фаолиятини ушбу Устав, амалдаги қонунчилик ва Ягон акциядор томонидан тасдиқланган «Компания Бошқаруви тўғрисида»ги Низом асосида олиб боради.

### **13-МОДДА. КОМПАНИЯ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

13.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида, Ягона акциядор томонидан бир йил муддатга бешта аъзодан иборат бўлган Тафтиш комиссияси сайланади. Ягона акциядор қарорига кўра Тафтиш комиссиясининг миқдор таркиби ўзгартирилиши мумкин. Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган шахслар Компания Тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.2. Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Ягона акциядор томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилади.

13.3. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Ягона акциядорнинг, кузатув кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.

13.4. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Компаниянинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

13.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Компаниянинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Кузатув

кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга карашли акциялар Компания тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

#### **14-МОДДА. КОМПАНИЯНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ**

14.1. Ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.2. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисоботдордир.

14.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **15-МОДДА. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

15.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

15.2. Компанияда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига Компания фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида бўлади.

15.3. Ягона акциядорга тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги, жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши лозим.

15.4. Компаниянинг йиллик ҳисоботи Ягона акциядорнинг йиллик қарорини қабул қилинадиган санадан камида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

## **16-МОДДА. ФИЛИАЛ, ВАКОЛАТХОНА, ШУЪБА ВА ТОБЕ ЖАМИЯТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЧИШ ТАРТИБИ**

16.1. Компания филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар Компания томонидан мол-мулк билан таъминланади ва Компания тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

16.2. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари Компания томонидан тайинланади ва Компани берган ишончнома асосида иш кўради.

16.3. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Компания зиммасида бўлади.

16.4. Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

16.5. Шўба ва тобе жамиятлари ташкил этиш тартиби ва ҳуқуқий мақоми қонунчилик асосида бўлади.

## **17-МОДДА. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

17.1. Компанияни қайта ташкил этиш Ягона акциядорнинг қарори асосида қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш тарзида амалга оширилади.

Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан Компания қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно.

Компания бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

17.2. Компания ихтиёрий равишда ёки суд қарорига асосан тугатилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Компанияни тугатиш тамомланган, Компания эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Компания тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Компания фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

17.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш амалга оширилади.